# БУНИ ҲАЁТ ДЕЙДИЛАР...

## ЕР КИМНИКИ?

***Қишлоқда бир ҳовлида турадиган амаки-жиянларни билардим. Жиян уруш йилларининг бошида туғилган. Фронтга кетган отасидан қорахат келгач, онаси ўзга кишига турмушга чиққан.***

Ҳали ёшига етмаган норасида жиян амакининг оиласида вояга етди. Уйланди. Йиллар ўтиб уларнинг оралари бузилди. Садоқатга дарз кетди. Улғайиб отасидан қолган ҳовлига эга бўлган жиян айрим бузғунчи одамларнинг гапи билан томорқа ер устида ҳам амакиси билан келишолмай қолди. Мақсади – томорқани тенг бўлиб олиш эди. Табиийки, катта рўзғор эгаси бўлган амаки бу "шарт"га кўнмади. Орага маҳалла-кўй қўшилди. Даъвогар инсофга чақирилади. Бўлмади. Ора-орада иккиуч муштлашишлар ҳам бўлди. Амаки ўкинди, қарғади. "Етим қўзи асрадим, оғзи-бурним мой бўлди, етим бола асрадим оғзи-бурним қон бўлди". Йиллар шу зайл ўтаверди. Бордикелди узилганига ўн йиллар бўлиб қолди. Амаки хафақон хасталигига, жиян эса инсультга йўлиқди. Оёқлари касалхонадан бери келмай қолди. Бу орада жияннинг фарзандлари ҳам вояга етиб, ҳовли тағин-да торлик қила бошлади. Сал совуган эски можаро қайта "қўзғалди". Нари борса тўрт қадам келадиган орадаги жой "сеники, меники" бўлиб, икки томонни ҳам ҳолдан тойдирди.

Инсульт қайталанди. Жиян эллик ёшни ҳам кўрмади. Орадан беш-олти йил ўтиб, амаки ҳам ёруғ дунё билан видолашди...

Шуларни эслаб қайсидир китобда ўқиганим ёдимга тушади.

Бир одам дебди: -Бу ер – меники!

Иккинчиси даъво қилибди: -Йўқ, меники!

Ер дебди: -Ҳар икковинг ҳам меникисан!

Якуний хулоса ўзингизга ҳавола, азизлар!

**Дилмурод ЖАББОРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## ЙЎҚЛАДИ-Ю, СЎРАМАДИ

***Бунга кўп йиллар бўлди. Туманда ўтказилган йиғилишлар одатда бақириқ-чақириқ билан бошланиб шу тахлит тугарди.***

Раҳбарлардан бирини гап билан олиб бориб келаётган биринчи раҳбар кимнидир эслаб қолди ва "Қани у? Дарров менга топинглар! Ернинг тагида бўлса ҳам ҳозир етиб келсин!" деб йиғилишда олдинги қаторда ўтирган масъул ходим Ғайбулла Алижоновга юзланди.

Ғайбулла ака ҳам ўрнидан сапчиб турди-ю, хонасига кириб, телефонга ёпишди. Аммо, кимни чақириш керак эди, биринчи раҳбар айтмади-ку. Ким бўлиши мумкин? Кириб сўраб бўлмаса...

Ғайбулла аканинг боши қотди. Қайтиб кирмасликнинг ҳам иложи йўқ, чунки, йиғилиш қарорини ёзиш унга юклатилган.

Хуллас, нима бўлса бўлди, дея Ғайбулла ака юрагини ҳовучлаб, йиғилишга қайтиб кирди. Хайриятки, йиғилиш давомида ҳам, ундан кейин ҳам биринчи раҳбар сўраган одамини қайта йўқламади.

**О.СУЛТОНОВ**

## ҚАРҒИШГА ЙЎЛИҚМАНГ

***Ақлимизни таниганимиздан буён ҳаёт тарзимиз шу: яхши сўз, яхши амал ва айни дамда ёмон сўзу шунга монанд гуноҳ.***

Айниқса, кўпинча, баъзан билиб-билмай атрофимиздагиларнинг кўнглини бир оғиз ножўя сўзимиз билан ранжитиб қўямиз.

Оқибатда, айримлари индамай, дили оғриб кетса, айримлари эса яхшигина жавоб қайтаришга улгуради. Аммо, яна айримлар...

Қўшним Раҳима хола илгари жанжал чиқармай, кунни ўтказа олмасди. Ғижиллашиб қолмаган қўшниси, таниши, қариндошлари йўқ эди, ҳисоб. Яна маҳаллада ким кимни нима деган - ҳамма иғволарнинг бошланиш нуқтаси ҳам унинг уйи эди. Ана шундай пайтларда қўшни маҳалладаги Содиқжон исмли кишининг хотини суюқоёқ экан, деган гап-сўз тарқалди. Кимдир ишонмас, кимдир "Шамол бўлмаса, дарахт учи қимирламайди" дея қўл силтарди. Аммо, тез орада бу бор-йўғи қўшнимнинг навбатдаги иғвоси эканлиги маълум бўлиб қолди. Лекин, Содиқжон хотини билан ажрашган экан...

Бир куни тонгда ўша аёл Раҳима холанинг дарвозаси олдида ер муштлаб йиғлаётганини кўрдик. Хола эса дарвозасини қулфлаб ичкарида ўтирганини билардим. Шўрлик аёл эса алам билан фарёд чекарди:

-Илоё, болаларимни сарсон қилган сендай жувонмарг болаларинг дардида куйиб адо бўл...

Шу ерга йиғилганлар аёлни шаштидан қайтишга, муҳими, қарғамасликка чақирарди.

Қарангки, кўп ўтмай, Раҳима холанинг икки ўғли фалокатга йўлиқди: автоҳалокат туфайли ногирон бўлиб қолди. Ягона қизининг уйига ўт тушди. Раҳима холанинг эса фиғони фалак.

**Нодира ЭШХЎЖАЕВА**

## "ҚАСОСКОР" МАЙНА

***Қишлоқ яқинидаги қирда қўй боқиб юрган Холбой билан Қўчқор ер ҳайдаётган трактор ортидан курт-қумурсқа тергилаб юрган қушлардан бирини ушлаб олишди. Буни нима қилсам экан, дея роса ўйлашди.***

Шўхликлари тутди шекилли, трактордан тушиб қолган, мойда ивиган латтани қушнинг оғзига боғлашди. Сўнгра гугурт чақиб, олов ёқишди. Олов ёқишди-ю, майнани осмонга отишди. Қуш ҳам тўппа-тўғри қишлоқ томонга учиб кетди.

Аввалига мазза қилиб кулишаётган болаларнинг нафаслари аста-секин ичларига туша бошлади. Негаки, кўздан тобора узоқлашаётган учар олов тўппа-тўғри Қўчқорларнинг пичан ғарамига қараб борар эди. Ана, олов бир зум кўринмай ҳам қолди. Аммо, кўп ўтмай ғарам тепасида аланга ўйнай бошлади.

Шумтакалар қишлоққа ҳаллослаб етиб келганларида катта олов атрофида одамлар бақириб-чақириб юришарди. Дарахт тепасидаги шохга ўралиб қолган латта тутаб турар, уни чуғурлаб чўқилаётган майна эса Холтой билан Қўчқорга анча таниш эди. У ҳар замонда қалайсизлар, дегандек сайраб қўярди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**





***"Лимон-Лайн" масъулияти чекланган жамиятда олиб борилаётган ибратли ишларни бугун Тайлоқ тумани халқи яхши билишади. Оз эмас, кўп эмас 6 гектар ердаги иссиқхонада лимон етиштирилади. Буни қарангки, 2000 йил охири, янги йил кунлари цитрусчилар эл дастурхонига 71 тоннага яқин маҳсулот тортиқ қилишди. Бу йил ҳосил чунонам бўлдики, лимончилар чарчаш нима эканлигини билмай меҳнат қилдилар. Иссиқхона ишчи-хизматчиларининг кайфиятлари чоғ, ғайратлари зўр, шу боисдан бўлса керак, манфаатдорликлари ҳам чакки эмас.***

***СУРАТЛАРДА: жамият раҳбари Аҳтам Норматов, жамоа етакчиси Қобил Шароповлар ҳосил сероблигидан ниҳоятда мамнун; Ҳамроқул Эргашев бошчилигидаги иккинчи бир жамоа етиштирган лимонга талаб катта.***

Тоҳир НОРҚУЛОВ олган суратлар.

# ДАНҒАРА ДОВРУҒИ ТИКЛАНАДИМИ?

**(Боши 1-бетда)**

Ҳар учала туманда ҳам пахта тайёрлаш йиллик режаси ҳар йилгидан барвақт уддаланди. Булар-ку қўшни туманлар. Данғаранинг ўзидаги "Найманча", "Данғара", "Ишонч", Худойбердиев номли ширкат хўжаликларида йиллик режа 103-107 фоизга бажарилди. Шу хўжаликларга ёнма-ён жойлашган "Мулкобод", "Сирдарё", "Истиқбол" хўжаликларида эса... Мавсум якунланиб, ғалвир сувдан кўтарилганда "Сирдарё"да йиллик режа 74,9 "Истиқбол"да эса 67,7 фоизда қолгани маълум бўлди. "Истиқбол"да гектар ҳисобига ҳосилдорлик бор-йўғи 15,5 центнерданни ташкил этганига нима дейиш мумкин?

"Сирдарё" ширкатлар уюшмаси кўп жиҳатдан туман кўрсаткичларини белгилайдиган, йирик, сертармоқ хўжалик. 4128 гектар ер майдони бўлган бу жамоа 2338 гектар майдонда пахта етиштирди. Ўтган йили хўжаликда 8000 тонна ўрнига 4553 тонна пахта етиштирилган бўлса, жорий йилда 7224 тонна ўрнига, 5336 тонна пахта тайёрланди.

-Хўжалигимизда ерларнинг мелиоратив ҳолати яхши эмас, - дейди уюшма раиси Мурoджон Норматов, - асосий пахта майдонларимиз дарё ёқасида жойлашган. Ҳар йили ҳам ноябр-март ойларида дарё тўлиб оқиши натижасида далаларимизни сизот сувлари босиб кетади. Шўрланиш даражаси юқори. Мавжуд иккита мелиоратив насос станциямиз сизот сувларини дарёга ташлаб бериши керак. Аммо, электр энергияси етказиб беришдаги узилишлар натижасида бу насослар тўла қувват билан ишламаяпти. Иккита ширкатимиз қумлик ҳудудда жойлашган бўлиб, Сўх дарёсидан сув ичади. Бу йил сув таъминоти яхши бўлмади. Бунинг устига авжи ёздаги дўл яқин минг гектар майдондаги ғўзамизни "уриб" кетди. Ана шунинг оқибатида...

Йилни 14 миллион сўмга яқин зарар билан якунлаган "Истиқбол" ширкат хўжалиги раиси Зокиржон Султоновнинг "ашуласи" ҳам Муроджонникига айни "ҳамоҳанг". "Ер шўрхоқ, сув камчил".

Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Маҳмуджон Худойқуловнинг эса раисларга "жўр" бўлгиси йўқ:

-Бу бир баҳона, - дейди у, - мана менинг қўлимда мутахассислар берган аниқ-тиниқ маълумотлар турибди. Авжи вегетация даврида ер ости сизот сувлари ўтган йилнинг ўша даврига нисбатан ер сатҳидан 68 сантиметр паст бўлган. Сув тақчиллигига келадиган бўлсак, бу йил сувни "лимит"дагидан, ҳатто, анча кўп олдик. Ёз давомида ҳар икки хўжаликда ҳам бир эмас, бир неча бор сув исрофгарчилиги ҳоллари аниқланиб, об-ҳаётнинг ҳар қатрасидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан хўжалик раҳбар-мутахассисларини қайта-қайта огоҳлантирганмиз. Туман сув хўжалиги мутасаддисининг бу ҳаққоний изоҳи халқимизнинг "Ишлашни истаган имконият, истамаган баҳона қидиради" деган доно нақлини яна бир карра ёдга солди.

Масаланинг бошқа томони ҳам бор. Муроджон Норматов хўжаликка шу йилнинг май ойидан, Зокиржон Султонов эса август ойидан бери раислик қиляпти. Табиийки, беш-олти ой, борингки, бир йил ичида хўжаликнинг рафторини олиш қийин. Қолаверса, хўжалик раҳбарлиги "тажриба майдони" ҳам эмас. Бир раис ортида беш-олти минг одам туради. Ана шу одамларнинг рўзғори, шарт-шароити, турмуш тарзи хўжалик раҳбарининг иш тутимига, малака ва маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ. Аввало, раисликка ҳар жиҳатини ўйлаб, мулоҳаза қилиб, кўп билан кенгашиб, муносиб одамни топиб қўйиш керак. Ана ундан сўнг, унинг ишлашига имкон ҳам бериш керак. Афсуски, Данғара туман ҳокимлиги хўжалик раҳбарларини тез-тез алмаштиришдек, ярoқсиз иш услубидан воз кечолганича йўқ. Масалан, "Истиқбол"га ташкил топганига икки йил бўлишига қарамай, бешинчи раис раҳбарлик қиляпти. Фаёзбек Ўришев 1999 йилнинг мартидан ноябригача раислик қилган. Шундан сўнг хўжаликни 15 январгача Мўминжон Эрназаров вақтинчалик бошқариб турди. Январдан июнгача яна бир "муваққат раис" Абдуҳолиқ Абдураҳмонов раҳбарлик қилди. Июндан сентябргача Шокиржон Асқаров раис бўлди. 26 августдан эса Зокиржон Султонов... Худди шунингдек, "Сирдарё"да ҳам сўнгги беш йил ичида тўртинчи киши раислик қиляпти.

Ҳар икки хўжаликда ишларнинг орқага кетганига, балки, асосий сабаб шудир?

-Раисларни бу қадар тез алмаштиришнинг боиси нимада? – сўраймиз туман ҳокими Абдураҳим Норқўзиевдан.

-Биттасини Тошкентдан келган комиссия бўшатиб кетди. Яна бирининг устидан жиноий иш қўзғалиб қолди... Йўқса, раисларни алмаштираверишкимга зарур, - дейди А.Норқўзиев.

Ҳоким айтмоқчи, раисларнинг биттасини "комиссия бўшатган", яна биттаси "устидан жиноий иш қўзғалган" экан, бу нимани кўрсатади? Демак, раисликка нолойиқ одамлар танланган. Туман раҳбарлари кадрларни жой-жойига қўйишга масъулиятсизлик билан ёндошилган.

-Туман пахтачилигидаги аҳволни ўнглаш учун нима қилиш керак? – сўраймиз ҳокимдан.

Рости, А.Норқўзиев бу саволимизга туманда пахтачиликни ривожлантириш борасида кўрилаётган чора-тадбирларни санаш билан жавоб беради, деб ўйлагандик. Аммо, ҳокимнинг жавоби қисқа бўлди:

-Заҳкаш майдонларга шоли экиш керак, - деди у...

Данғаралик деҳқонларнинг эътироф этишларича, бу йил туманда пахта ёмон бўлмаганди. Режани жуда ошириб бажаришмаса-да, кўзланган натижага эришиш имконияти бор эди. Далаларда шунга яраша ҳосил тўпланганди. Туман раҳбарлари "яхши от кейин чопади" маълини маҳкам ушлаб олгани ҳолда ҳосил йиғим-теримига кеч "буйруқ" берди. "Буйруқ"ни кутиб ўтирган хўжаликлар эса доғда қолди.

-Биз теримга тушганимизда Олтиариқ тумани йиллик режанинг 36 фоизи миқдорида пахта топширганди, - дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ғуломқодир Аминжонов.

Оқибатда, ҳосилнинг маълум қисми ёғин-сочинли кунларга қолиб, нобуд бўлди. Яқин 16 фоиз пахта 3-5 навларга топширилиб, хўжаликлар иқтисодий зарар кўрди. Бундан кимга фойда-ю кимга зиён?

Мақоламиз бошида айтганимиздек, Данғарада илғор хўжаликлар оз эмас. Катта тажрибага эга уста деҳқонлар ҳам кўп. Туман раҳбарияти илғорлар тажрибасини оммалаштиришга, умри пахтачиликда ўтаётган омилкор инсонлар билан кенгашишга, янгиликларни излаб топишга етарлича эътибор бермаётгани ҳам туманни ён қўшнилари ичида депсиниб қолишга олиб келди.

Йил якунланяпти. Хўш, Данғарада ўтаётган йилда йўл қўйилган хатолар таҳлил этилиб, янги йилда аҳволни ўнглаш юзасидан чора-тадбирлар кўриляптими?

Афсуски, йўқ. Туман прокуратурасидан олинган маълумотларга қараганда, туманда кузги-қишки ишлар қониқарсиз бормоқда. Мавжуд ҳайдов тракторларидан унумли фойдаланилмаяпти. Шудгорлаш сифати ҳам талабга жавоб бермайди. Айнан, "Сирдарё" ширкат уюшмасида 7 та ҳайдов трактори ишлаяпти, деб маълумот берилган эса-да, текширишда 3 та Т-4 русумли ҳайдов трактори ишга яроқсиз ҳолда ҳайдовда қатнашмаётганлиги аниқланди. "Данғара" ширкат хўжалигида ҳам 3 та ҳайдов трактори носоз ҳолатда турибди. Бу тракторларни таъмирлаш чоралари кўрилмаган. "Дўстлик" жамоа корхонасининг 4 гектарлик даласида ерлар 40-42 сантиметр ўрнига 20-22 сантиметр чуқурликда ҳайдалган. Прокуратуранинг туман ҳокими ва туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғига берган "тақдимнома"сида қайд этилганидек, "тумандаги хўжаликларда ариқ-зовурларни тозалашга эътиборсизлик, масъулиятсизлик билан қараб келинмоқда. Мавжуд экскаваторлардан унумли фойдаланиш чора-тадбирлари кўрилмаган".

Хуллас, Данғарада дўппини олиб қўйиб, обдон ўйлаб кўришга арзигулик вазият юзага келган. Бу ҳолатда "Данғара довруғи тикланадими" деган саволни кўндаланг қўйиш ҳам очиғи, сал эриш туюлади. Аммо... Тинмай қоққанга очилмаган эшиклар ҳам очилади, дейдилар. Умид бор, имкониятлар ҳам етарли. Ҳамма гап ана шу имкониятларни излаб топиш ва ҳаётга тадбиқ этишда қолган.

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## "КОРЕА-ТАЙМС" ФИКРИЧА...

***"Корея-Таймс" газетаси ўтган йилнинг 10 та энг муҳим воқеалари рўйхатини эълон қилди. Унда Владимир Путиннинг Россия Президенти,Жорж (кенжа) Бушнинг АҚШ Президенти этиб сайланишлари, "Курск" сувости кемасининг фожиали ҳалокати биринчи ўринга чиқди.***

Шунингдек, АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг Пхеньянга ташрифи, инсон танасидаги генетик код харитасининг яратилиши, Тайвандаги президентлик сайловида мухолифат кучлар вакили Чэн Шуйбяннинг ғалабаси, Исроил билан Фаластин ўртасидаги юз берган янги қарама-қаршиликлар, АҚШ биржасида акциялар баҳосининг тушиб кетиши натижасида Осиё бозоридаги силкинишлар ҳамда нефтнинг 37 долларгача қимматлашуви 2000 йилнинг энг муҳим воқеалари сирасига киритилди.

## "ҚОРБОБО" БОШПАНАСИЗЛАР ХИЗМАТИДА

***Франциядаги бошпанасиз одамлар янги мингйилликни Марселдаги марказий майдонда кутиб олдилар. "Қорбобо" хайрия уюшмаси бошпанасиз одамларга очиқ осмон остида байрам уюштирди.***

Ўша жойга кўчма емакхоналар ўрнатилди. Одамларга турли-туман ширинликлар, қўлсоати, иссиқ камзул ҳамда пардоз-андоз воситалари совға қилинди. Бундан етти йил аввал ташкил этилган мазкур хайрия уюшмаси кўчада қолган одамларга ҳар ҳафтада тўрт мартадан тушлик бермоқда. Бироқ, ушбу тадбирнинг битта қийин томони бор. У ҳам бўлса, кўнгиллиларнинг бошпанасизларга тик турганча хизмат кўрсатишидир. Чунки, қоидага кўра жамоат жойларида стул қўйиш мумкин эмас экан.

## САФАР ҚОЛДИРИЛДИ

***АҚШ Президенти Билл Клинтоннинг яқин кунларда КХДР пойтахтига сафар қилиши кутилаётган эди. Куни кеча Оқ уй маъмурияти Президентнинг Шимолий Кореяга бормасликка қарор қилганини билдирди.***

Энди бу ташриф масаласи янги Президент Жорж Бушга қолдирилди. Зотан у 20 январдан президентлик вазифаларини адо этишга киришади. Оқ уй ушбу қароридан КХДР ва Жанубий Корея раҳбариятларини ҳамда Жорж Буш командасини расман огоҳлантирди.

## ПОНТЕ БЕЛГРАДГА КЕЛАДИ

***Югославия ва Руандада содир этилган жиноятларни текшириш бўйича БМТ халқаро трибунали бош прокурори Карла дел-Понте яқин кунларда Белградга келишини маълум қилди.***

У Югославия Президенти Воислав Коштуницадан мамлакатнинг собиқ раҳбари Слободан Милошевични ҳибсга олишда кўмак беришни сўрамоқчи. Маълумки, халқаро трибунал С.Милошевични оммавий қирғин уюштириш ва ҳарбий жиноятлар содир этишда айбламоқда.

## ҚАШШОҚЛИККА ҚАРШИ ҚАРЗ

***Халқаро валюта жамғармаси директорлар кенгаши Молдовога 142 миллион АҚШ доллари миқдорида қарз ажратиш тўғрисидаги дастурни маъқуллади.***

Бу дастур уч йилга мўлжалланган. Жамғарма вакилининг билдиришича, бу маблағни башариятнинг энг катта муаммоси–қашшоқликни тугатиш ва иқтисодиётни ривожлантиришга сарфлаш кўзда тутилган.

## ЯНГИ АСРДА ЕЧИЛСА, АЖАБМАС

***Инсоният тақдиридаги қийин мушкулотлардан бири муҳожирлар масаласидир. Ушбу муаммо билан шуғулланувчи халқаро ташкилот Бош директори Мак-Гинди дунё давлатларини ушбу чигалликни ҳал қилиш борасида фаолликни янада оширишга чақирди.***

Унинг айтишича, сўнгги йилларда муҳожирлар сони анча кўпайган. Бу эса жиноятчилик билан боғлиқ қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Ташкилот маълумотларига қараганда, дунёда муҳожирлар сони ҳозир 150 миллионга етди.Ноқонуний муҳожирлар сони эса бир неча миллионни ташкил этади. Ҳозир уларнинг 3 миллиони Оврупода, 250 минг нафари эса АҚШда ушлаб турилибди.

**(Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида сиёсий шарҳловчи Р.УМАРОВ тайёрлади).**

# ДЕҲҚОН МАНФААТИ-ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

**(Боши 1-бетда)**

Яна бир оғриқ нуқта устида тўхталсак. Ҳозирги даврда диний экстремистик оқимларга қарши кураш кетмоқда. Бу эса прокуратура идораларидан ўта ҳушёрликни талаб қилади. Шу ниятда туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими раҳбарлари билан ҳамкорликда Халқобод, Ободон, Бешқўтон, Музработ каби фуқаролар йиғинларида тушунтириш ишлари олиб борилди. Афсуски, ўз билганидан қолмаётган, қалтис йўлга қадам босаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Масалан, Саидали Икромов, Нурилло Муҳиддинов ва Исроил Пардаевлар "Ҳизбут-таҳрир" диний экстремистик оқимининг тарафдорлари эканлиги аниқланди. Улар жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоққа олиндилар.

Тумандаги умумий аҳволга назар ташланса, жиноятчилик жорий йилда анчагина камайганини кўриш мумкин.

**А.НАЗАРОВ,**
**Музработ туман прокурори.**

# ШАРТНОМА ХЎЖАКЎРСИНГАМИ?

**ТААССУФ**

***Зафаробод туманидаги "Уч қаҳрамон" ижара ширкатлар уюшмаси ҳудудида жойлашган "Эшбўлди" фермер хўжалиги 1997 йилда ташкил этилган эди. Мазкур хўжалик жамоаси туман пахта тозалаш корхонаси маъмурияти билан шартнома тузиб, ҳар йили ўз зиммасидаги режаларини ошиғи билан бажариб келмоқда.***

Шартномага кўра, фермер хўжалиги 1998 йилда 10 тонна, 1999 йилда 54,2 тонна пахта топшириши, иккинчи томон эса ундан 20 тонна тола, 30 тонна чигит ва 1,2 тонна момиқ ишлаб чиқариб, маҳсулотнинг 70 фоизини фермер хўжалиги ихтиёрига бериши, қолган 30 фоизини эса "тегирмон ҳақи" учун ўзига олиб қолиши керак эди.

Фермер хўжалиги жамоаси шартнома режаларини ошиғи билан бажарди. Пахта тозалаш корхонаси раҳбарлари эса, фермер хўжалигига тегишли бўлган 13,5 тонна тола пулини, 23 тонна чигит ва 0,9 тонна момиқни ҳам бермасдан, ғирромлик қилиб келмоқдалар.

-Тегишли тола пулимиз ва маҳсулотларимизни олсак фермер хўжалигимиз учун янги техника, асбоб-ускуналар сотиб олиб, ишчиларимизга меҳнат ҳақи тўлардим, - дейди хўжалик бошлиғи Алишер Турдиев. – Пахта тозалаш корхонаси раҳбари Довурбой Бердиевнинг масъулиятсизлиги сабаб ўғит, ёнилғидан йиғилиб қолган қарзларимизни ҳам тўлай олмаяпман.

Фермернинг гапларидан ажабланиб, қизиқиб кўрсам, у туманда 1998-1999 йиллар ҳосилини корхонага топшириб қўйиб, сарсон-саргардон бўлиб юрган фермерлар жуда кўп экан. Тумандаги "Қултўсин", "Ғанижон", "Мустақиллик"... санайверсак, юздан ошади. Буларга 2000 йил ҳосили улушлари ҳам қўшилса...

Шартнома хўжакўрсингами, Довурбой?

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# БОЗОРДА НАРХ-НАВО ҚАНДАЙ?

| № | Номи | Тошкент | Андижон | Наманган | Фарғона | Самарқанд | Термиз | Қарши | Бухоро | Навоий | Урганч | Нукус |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Картошка | 100 | 70 | 75 | 65 | 68 | 100 | 75 | 85 | 85 | 88 | 105 |
| 2 | Сабзи | 65 | 25 | 30 | 27 | 27 | 30 | 60 | 43 | 45 | 60 | 65 |
| 3 | Пиёз | 130 | 130 | 120 | 125 | 115 | 160 | 80 | 155 | 150 | 105 | 140 |
| 4 | Бодринг | 750 | 450 | 900 | 350 | 400 | | 275 | | 325 | 450 | 800 |
| 5 | Помидор | 900 | 700 | 850 | 600 | 800 | 100 | 150 | 475 | 300 | 800 | 1250 |
| 6 | Гуруч | 310 | 280 | 220 | 275 | 315 | 330 | 250 | 315 | 310 | 265 | 275 |
| 7 | Мол гўшти | 1000 | 950 | 900 | 900 | 975 | 750 | 850 | 825 | 775 | 775 | 750 |
| 8 | Қўй гўшти | 1200 | 1200 | 1200 | 1100 | 1050 | 1000 | 1000 | 850 | 850 | 950 | |
| 9 | Сут (литр) | 100 | 80 | 80 | 65 | 95 | 60 | | 67 | 90 | 85 | 95 |
| 10 | Тухум(дона) | 68 | 52 | 52 | 53 | 47 | 45 | 45 | 50 | 52 | 45 | 48,5 |

# КОНИМЕХЛИК ШИРКАТЧИЛАР

**(Боши 1-бетда)**

Туёқ сонини кўпайтириш мақсадида 108 минг бош қўзи ўстиришга қолдирилди. Олинган қўзиларнинг 68600 боши қоракўл тери учун сўйилди. Бу ҳолат хўжаликлар иқтисодиётини янада юксалтириш имкониятини берди.

Ширкатларимиз шу йил чорвачилик маҳсулотлари сотиш ҳисобидан 230 миллион сўм соф фойда олишди. "Конимех" хўжалигида ҳар юз бош совлиқдан 112, Абай номли ширкатда 111, "Қизилқум" ширкатида эса 107 тадан қўзи олинди.

"Сарибел" ширкат хўжалигида 2000 йил 74 миллион сўм соф фойда олинди. "Конимех"да 27 миллион сўмдан 41 миллион сўмга, Абай номли хўжаликда 30 миллион сўмдан 100 миллион сўмга, "Қизилқум"да 16 миллиондан 67 миллион сўмга етди.

Ҳа, соҳани ислоҳ қилишдан асосий мақсад ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш халқнинг турмуш даражасини яхшилашдан иборатдир. Бунинг учун чўпон-чўлиқларнинг яхши яшашлари учун шароитлар яратиш, уларга ғамхўрликни кучайтириш лозим. Яйлов баҳодирларига дивиденд тўлаш яхши йўлга қўйилган. Ҳар бир қўйчивон меҳнат натижаларига қараб 80-150 минг сўмдан пул олди.

Шу кунларда диққат-эътибор қишловни талафотсиз ўтказишга қаратилган. Бунинг учун 23 минг тонна озуқа жамғарилган. Чўпон-чўлиқлар қишлик кийим-кечаклар ва озиқ-овқатлар билан таъминланган. 453 та оилавий пудратчи ўз касбини қадрлаб келмоқда.

Қоракўлчиликда муаммолар ҳам йўқ эмас. Қишловнинг намунали ўтиши учун омухта ем етарлича бўлишини таъминламоқ керак. Қиш оғир келганда бу маҳсулотларни хўжаликлар пулга ҳам ололмайдиган ҳолатлар бўлиб турарди. Чорвачиликда бу борада сервис хизматини ташкил этиш лозим.



Чорвадорлар ширкатнинг афзаллигини йилдан-йилга кўпроқ ҳис этиб бормоқдалар. Кейинги икки йилдан бери чўпонлар меҳнатга, унинг самарасига иштиёқлари баланд бўляпти. Шу ўринда уларнинг иқтисодий ўқувини ташкил этиш керак. Агар ишни шу тариқа олиб борадиган бўлса, бир бош қўй ўлмайди ҳам, йўқолмайди ҳам. Бу ислоҳотларимиз самараси, бу қоракўлчилигимиз уфқларининг ёрқинлиги натижасидан эмасмикан?!

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

## "ЎЗАГРОКИМЁТАЪМИНОТ"
### ДАВЛАТ АКЦИОНЕРЛИК БИРЛАШМАСИ

Пахта, ғалла, сабзавот-полиз маҳсулотлари етиштириш, уларни хорижга экспорт қилиш борасида 2001 йилда амалга оширилажак барча эзгу ниятлар мамлакатимизнинг иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса бўлиб қўшилишига тилакдошмиз.

**Янги йил мамлакатимиз учун улкан зафарлар йили бўлсин.**

## "НАВОИЙДОН МАҲСУЛОТЛАРИ" ҚАБУЛ ҚИЛИШ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

"Оналар ва болалар йили" 2001 йил билан барча ватандошларимизни муборакбод этади!

Уларнинг ишларида улкан ютуқлар тилайди.

**Азизлар, янги аср, янги мингйилликнинг биринчи йили барчамиз учун унутилмас воқеаларга, тенгсиз қувончларга мўл бўлсин!**

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТА БАНК"НИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ



**Бутун Ўзбекистон халқини янги мингйиллик билан самимий қутлаб, ушбу қувончли кунларда ҳар бир хонадонга бахт-саодат, тинчлик ва фаровонлик тилайди!**

**Янги 2001 йил туҳфаси сифатида**

**"Пахта Банк" аҳолига ўзининг энг жозибадор "АСР СОВҒАСИ" йиллик омонат турини таклиф қилади. Сиз ушбу омонат бўйича маблағингизни жойлаштириш муддатини инобатга олган ҳолда, йиллик 25 дан 100 фоизга қадар даромад олишингиз мумкин. Омонатнинг энг кам миқдори 20000 сўм.**

***Байрам омонатига пулингизни* 2001 йилнинг 15 январига қадар *"Пахта Банк"нинг исталган бўлимида қўйиш имкониятига эгасиз.***

### АСР СОВҒАСИ СИЗНИ КУТМОҚДА!

*Бундан ташқари, "Пахта Банк" аҳоли учун қулай бўлган қуйидаги омонат турларини ҳам таклиф этади:*

**"НАФАҚА"** *омонати – нафақа ёшидаги отахон ва онахонлар учун 1 йил муддатга очилади. Омонат миқдорига мутаносиб равишда йиллик 38 дан 50 фоизга қадар фоиз ставкаси бўйича даромад тўлаб борилади. Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган.*

**"ФАРОВОНЛИК"** *омонат тури – 3 ва 6 ой муддатга очилиб, йиллик 36 фоиз миқдорида, ҳар ой капиталлаштириш натижасида йиллик 38,8 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонатнинг энг кам миқдори 5000 сўм.*

**"НАВНИҲОЛ"** *омонати – 16 дан 25 гача ёшлилар учун 1 йил муддатга очилади. Фоизли даромадлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг молиялаштириш ставкаси бўйича тўлаб борилади. Бошланғич бадал миқдори 1000 сўм. Омонат миқдори ойма-ой оширилиб бориб, 50000 сўмга етказилган тақдирда, омонатчи фоизлар бўйича оладиган даромадлари ҳисобидан 10 фоиз миқдорида қўшимча даромад билан рағбатлантирилади.*

**"БАРАКА"** *омонати – 6, 9 ой ва 1 йил муддатга жойлаштирилади ҳамда тегишли равишда 20, 25, 30 ва 35 фоиз ставкаси бўйича даромад олинади. Омонатчи бундай омонат тури бўйича ҳисобланган фоизларни олдиндан олиш имкониятига эга. Омонатнинг энг кам миқдори 20000 сўм.*

**"ОҚ ОЛТИН"** *омонат тури – 6 ой муддатга очилиб, йиллик 30 фоиз миқдорида даромад тўланади. Омонатнинг энг кам миқдори 2000 сўм.*

*Фоизли даромадлар омонат қўйилган кундоноқ, ойма-ой тўлаб борилади.*

*Банк сармоянгиз ҳақидаги маълумотларни сир сақлашни, омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ҳамда талабингиз асосида, Сиз истаган вақтда пул маблағларингизни қайтариб беришни кафолатлайди.*

**ОМОНАТИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИНГИЗ ЙЎЛИДА ХИЗМАТ ҚИЛСИН!**

**Истагимиз, янги аср тинчлик ва тараққиёт асри бўлсин!**

**Жонажон республикамиз дунёдаги энг тараққий этган давлатлар қаторидан ўрин олсин!**

**Янги йилда сиҳат - саломатлик, бахт ва омад Сизларга ҳамиша ёр бўлсин, азиз дўстлар!**

**"ПАХТА БАНК"нинг Наманган вилоят бошқармасига қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин: 6-33-08, 6-10-90, 6-31-51, 4-20-33, 4-02-41,4-21-69**

# ТИРКАШ БУВА ТЎЙГА БОРСИН

(Боши 1-бетда)

Шунда урф-одатларимизнинг ҳаётийлигига чин дилдан ишонасан. Балки, Яратган эгам биздан ўз саховатини аямаганлиги, болажон, меҳмондўст, қалбимиз дарёдек, бағримиз осмондек кенг бўлганидандир. Нима бўлганда ҳам, тўкинликнинг ортида инсон меҳнатининг беқиёс шижоати билан яратилган маҳсулоти, илмий тилда айтадиган бўлсак – қийматы турибди.

Ўтган йилда Иштихон туман Амир Темур номли жамоа хўжалиги хонадонларида икки юзга яқин тўй ўтказилиб, ўнлаб киши енгил автомобил машиналарига эга бўлди. Одамларнинг турмушидаги кескин бурилиш сабабини меҳнатдан излагандагина ҳақиқатни топган бўламиз. Хўжаликдаги пахтачилик жамоасининг етакчиси Сайфулла ака Сайдинов нима сўрамоқчи эканимизни сезди шекилли, ўзи гап бошлади:

-Уч-тўрт йилдан бери узумларни совуқ уриб кетаётган эди. Хўжалигимиз боғдорчиликка мослашган. Узумчилик асосий соҳа ҳисобланади. Аммо, бултур совуқ урмади. Натижада, ҳамма ўзини боққа урди. Айниқса, ёшларимиз кейинги пайтларда меҳнат нималигини тушунди. Звено бўламан, ер ажратиб беринг, деб сўровчи ёшлар кўпайиб бораётганлигидан жуда хурсандмиз. Ёш оилалар кам деганда 700-800 минг сўмлаб даромад қилгандан кейин,



албатта, меҳнатнинг қадрига етишади-да. 1992-93 йилларда магазинга кирсак, бўм-бўш пештахталарни кўриб, юракка ваҳима тушарди. Халқимизда бир гап бор, қимматчилик бўлса ҳам, қаҳатчилик бўлмасин, деган. Шукрлар бўлсинки, бугунги савдо дўконларини кўриб, кўзинг қувонади. Магазинларда, бозорларда ҳамма нарса бор. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деган нақл беҳудага айтилмаган, чоғи. Қишлокда ишсизликка тўла бархам берилса, ана ундан кейин яшашни томоша қилинг.

Муҳтарам Президентимиз чет эл инвестицияларини қишлокда жойлаштириш лозимлиги тўғрисида ажойиб фикрларни билдирган эди. Бизнинг ён атрофимизда Қўрлисой,Оқтепасой, Қийқимжой қишлоқларида етиштириладиган майизнинг ўзи битта заводни бемалол иш билан таъминлайди. Бир пайтлар кимнинг маблағи бўлса, атрофдаги кичик завод ва ишлаб чиқариш корхоналарини эгаллаб олган. Тадбиркорлик, ишбилармонлик етишмаслиги туфайли сотиб олган кишилар ишни маромига етказолмай овора. Маҳсулотларни қайта ишлайдиган, майизни қуритадиган кичик корхоналарга эса эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмокда.

Ўтган йилда Амир Темур номли хўжалик биргина узумчиликдан 18 миллион 400 минг сўм ялпи даромад олганлигининг ўзи ҳосилдорликнинг ошганлигини кўрсатади.

Қувончлари чексиз орлотсойликларнинг орзу-ўйлари рўёбга чиқиб, Тиркаш бувага ўхшаш қариялари ҳар доим тўйларнинг бошида бўлайлик, дея эзгу ният қилмокдалар.

**Муфтилла ЮСУПОВ.**





**Ўрта Осиёда ягона ҳисобланмиш Жиззах Олимпия захиралари коллежи фойдаланишга топширилди. Ушбу даргоҳда ўқув корпуси, 200 ўринли ётоқхона, 4 та ёзги теннис майдончаси, ёпиқ спорт мажмуаси, очиқ сузиш ҳавзаси, 200 ўринли ошхона, сауна, маънавият маркази ва кутубхона мавжуд.**

**Айни дамда бу коллежда спортнинг 8 хил йўналиши бўйича 200 нафар ўқувчи таълим олмокда.**

**СУРАТЛАРДА: Олимпия захиралари спорт мажмуаси кўриниши;**

**Курашчилар машғулот пайтида.**

Б.ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар

# АМИРОБОДДА ЯНГИ ШИФОХОНА

ТИББИЁТ

***Бухоро вилоятининг Бухоро туманида саломатлик шохобчаларининг сони яна биттага кўпайди.***

"Чорбакр" ширкат хўжалигининг Амиробод қишлоғида яқинда замонавий лойиҳалар асосида қишлоқ тиббиёт маскани қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай қулайликдан нафақат амирободликлар, балки қўшни Аравон ва Оғар қишлоқлари аҳолиси ҳам чексиз мамнун бўлишди.

Комплекс тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган янги шифо маскани бир кунда 50 беморни қабул қилиш имконига эга. Унда акушерлик, физиотерапия, болаларни кўриш ва эмлаш, боғлаш ва тиш даволаш хоналари мавжуд. Шунингдек, масканнинг кундузги бўлимида бир йўла 8 беморнинг вақтинча даволаниши учун барча шарт-шароитлар муҳайё. Қишлоқ аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилишни умумий амалиёт ҳакими Дилбар Рашидова бошчилигидаги шифокорлар ўз зиммаларига олишди.

Маскан қурилиши 4 ойга мўлжалланган эди. Бироқ, "Бухоротаъмирқурилиш" ишлаб чиқариш бирлашмаси бунёдкорлари уни муддатидан илгари қуриб, фойдаланишга топширдилар. Юқори сифат билан бунёд этилган ушбу иншоотга 27 миллион сўм маблағ сарфланди.

-Ҳар қандай танқислик ва қийинчиликларга қарамай, масканнинг лойиҳа асосида қурилишига асосий эътибор қаратдик, - дейди бирлашма бошлиғи Анвар Ҳайдаров. – Ишнинг тез ва соз бажарилишини таъминлаш мақсадида энг малакали бунёдкорларимизни жалб этдик. Бу эса иқтисодий самарадорлик учун ҳам анча қулай келди.

Ҳа, қурилишнинг жадал суръатда олиб борилиши учун бирлашманинг Бухоро шаҳридаги ихтисослашган жамланмаси ва "Ромитантаъмирқурилиш" корхонаси жамоалари алоҳида ибрат кўрсатдилар. Айниқса, Ботир Ражабов, Аслон Саидов, Олим Холмуродов, Амрулло Янгиев ва Раҳмат Ражабов сингари бунёдкорларнинг ғайрат-шижоати кўпчиликка ибрат бўлди.

Амиробод қишлоғида қад ростлаган янги шифо маскани аҳолига муносиб совға бўлди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ.**

## СПОРТ ОЛАМИДА

# "ЎЗБЕК ФУТБОЛИ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА"

***Инсоният янги мингйилликнинг эшигини очди, янги асрга қадам қўйди. Аёнки, XXI асрда ҳаёт ҳам ўзига яраша ўзгаради. Ҳамма соҳада ривожланиш тезлашади.***

Жумладан, спортда ҳам, футболда ҳам. Спорт халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиради, тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Зеро, Президентимиз айтганларидек, ҳеч қайси соҳа спортчалик миллатни, мамлакатни дунёга машҳур қила олмайди. XXI аср бошида Ватанимизнинг буюк келажаги учун курашаётган жонкуяр инсонлар ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватланмокда, уларга етарлича қулай шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар ҳар қадамда кўзга яққол ташланади.

Яқинда миллий матбуот марказида "Фидокорлар Миллий Демократик партияси" ташаббуси билан ўтказилган анжуман "Ўзбек футболи: кеча, бугун, эртага" кичик форуми деб аталди. Кутилганидан кўп одам тўпланганлиги боис, форумнинг иккинчи қисми катта мажлислар залида давом этди. Форумда иштирок этган Ўзбекистон Футбол Федерациясининг Бош котиби Бахтиёр Раҳимовнинг айтишича, бу борада федерация бор имкониятларини ишга солган. Келгусида мураббийларни хорижга ўқишга юбориш, олий лига жамоаларини саралаб, уларнинг сонларини қисқартириш ва бошқа яна бир талай ишлар амалга оширилади. ФМДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А.Турсуновнинг сўзларига қараганда, ҳозирда республикамизда 14 та футболга ихтисослашган спорт-интернат мактаблари фаолият кўрсатмокда. Ҳарбий ватанпарварлик руҳида ўтказилган концерт фестивалларидан тушган маблағлар ҳисобидан вилоятларнинг узоқ қишлоқларида 200 дан ортиқ футбол ва волейбол майдончалари ҳамда гимнастика иншоотлари қурилиб, ишга туширилди.

Кеча миллий терма жамоамиз Исроил давлатига жўнаб кетди. У ерда Москванинг "Спартак" жамоаси ва Исроил миллий терма жамоаси билан ўртоқлик учрашувлари ўтказилади. Сафар олдидан янги бош мураббий В.Сальков ўзимга топширилган масъулиятли вазифани, ишончни оқлашга ҳаракат қиламан, дея ваъда берди. Форумда терма жамоа янги бош мураббийсига, ўзбек футболи ривожига муносиб ҳисса қўшган Абдураимовлар оиласига, мамлакатимизнинг намунали футболчиси Миржалол Қосимов ҳамда бошқа қатор футбол фидойиларига ФМДПнинг эсдалик совғалари топширилди. Форум аввалида "Пахтакор-79" хотирасига бағишланган ҳужжатли фильм намойиш этилди.

**К.АЛИОХУНОВ.**

**Хўжалик раҳбарлари, фермерлар диққатига**

**"РУМЕКС К-1" ЎСИМЛИГИ – ЧОРВАНИНГ "ЖОНИ"**

**УНИНГ УРУҒИНИ СОТИБ ОЛИНГ**

**Чорва моллари, парранда, балиқ учун ғоят тўйимли – таркибида юқори микдорда протеин бўлган, йилига камида 4-5 марта ўрилиб, гектаридан 300 тоннагача кўк масса олинадиган, йигирма йилгача қайта экилмайдиган кўп йиллик "Румекс К-1" ўсимлигининг уруғи сотилмокда. Уруғ сотиб олганларга бу ўсимликни қандай экиб, парваришлаш бўйича йўл-йўриқлар берилиб, амалий ёрдам кўрсатилади.**

**"Румекс К-1" ўсимлигини Ўзбекистон чорвачилик илмий-тадқиқот институти, ўсимлик моддалари институти, "Ўзпаррандасаноат" уюшмаси мутахассислари ўрганиб, протеинга бой эканлигини тасдиқлашди.**

**Уруғликка ҳақ тўлаш харидор учун мақбул усулда амалга оширилади. Уруғлик бериш ҳисобига хўжалик ва фермерлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳам мумкин.**

**Тошкентдаги телефон: 98-60-44. (куннинг исталган вақтида)**

**"150-Дорихона" очиқ турдаги акционерлик жамияти акциядорлари диққатига!**

2001 йил 6 феврал соат 15.00 да Тошкент шаҳри Охунбобоев майдони 21-уй манзилидаги "150-Дорихона" биносида акционерларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилади. Кун тартиби қуйидагича:

1. Акционерлик жамиятининг янги Низомини тасдиқлаш.
2. Бошқарув ҳайъатини сайлаш.
3. Кузатув кенгашини сайлаш.
4. Акционерлик жамиятининг 2-эмиссия акцияларини чиқариш тўғрисида.

**Кузатув кенгаши.**

"Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" холдинг компанияси жамоаси бошқарма бошлиғи Т.Сирожиддиновга волидаи муҳтарамаси

**ТЎХТАХОН АЯ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази жамоаси бўлим бошлиғи Б.Комиловга отаси

**Султон КОМИЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.




**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари),Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

**МУАССИСЛАР:** *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси, "Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг" компанияси, "Ўзпахтасаноатсотиш", "Ўзбекипаги", Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

**Телефонлар:** Қабулхона - **133-09-93 - 133-40-87** (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — **133-16-27, 133-44-43**, котибият — **136-56-26**. Ижодий гуруҳлар: **136-56-21, 136-56-25, 136-54-42**, реклама ва эълонлар— **136-56-30**.

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** Қорақалпоғистон Республикаси - **8-361-58-519-58**; Андижон - **8-374-2-25-32-23**; Бухоро - **8-365-22-648-22**; Жиззах - **8-372-33-553-59**; Навоий - **8-436-22-588-56**; Наманган, Фарғона - **8-369-22-652-10**; Самарқанд - **8-366-64-615-37**; Сурхондарё - **8-376-46-526-61**; Тошкент, Сирдарё - **8-371-136-56-21**; Хоразм - **8-362-22-640-80**; Қашқадарё - **8-375-22-517-65**.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32**

**Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади**

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

**Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.**

**Навбатчи:** У.ЖУМАЕВ.

**Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 19.00** 1 2 3 3 4 6.